

ҲОМИЛАДОРЛАРДА ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С НИНГ КЕЧИШИ

Шокирова С. М.

Андижон давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Вирусли гепатит С бугунги кунда замонавий акушер - гинекологиянинг долзарб муаммоларидан бир ишлаб қолмоқда.

Ҳомиладорларда вирусли гепатитлар ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан оғир кечади. Ўз навбатида, она ва ҳомила учун жиҳдий хавф тутдиради. Бу гуруҳга кирувчи аёллар гестация даврида асоратларнинг оғир кечиши билан хавф гуруҳига кирадилар(она ва ҳомила учун).

Калим сўзлар: вирус, гестация, ҳомила, гепатит.

ТЕЧЕНИЯ ВИРУСНОГО ГЕПАТИТА С У БЕРЕМЕННЫХ

Шокирова С. М.

Андижанский государственный медицинский институт.

✓ *Резюме,*

Вирусный гепатит и беременность остаётся одной из актуальных проблем в акушерстве.

У беременных вирусные гепатиты протекают тяжелее, чем у небеременных, и представляют серьезную опасность для матери и плода. Беременных с этим заболеванием относят к группе повышенного риска, так как гестация у данного контингента женщин сопровождается большой частотой осложнений (как со стороны матери, так и со стороны плода).

Ключевые слова: вирус, гестация, плод, гепатит.

VIRAL HEPATITIS C CURRENT IN PREGNANCY

Shokirova S. M.

Andijan State Medical Institute.

✓ *Resume,*

Viral hepatitis and pregnancy remain one of the actual problems in obstetrics.

In pregnant women, viral hepatitis is more severe than non-pregnant, and represents a serious danger to the mother and fetus. Pregnant women with this disease are considered to be at high risk, since gestation in this contingent of women is accompanied by a high incidence of complications (both from the mother and from the fetus).

Key words: virus, gestation, fetus, hepatitis.

Долзарблиги

Гепатит С ҳозирда кўп мамлакатлар ахолиси орасида кенг тарқалган касаллик ҳисобланади. У жигар ҳужайралари ичига жойлашиб (А ва В вируслардан фарқли равишда), уларни аста-секинлик билан емириб боради ва вақтида аниқланилмаса, сурункали тусга ўтиб, оғир асоратларга олиб келиши мумкин бўлган касалликдир.

Гепатит С касаллиги ер юзида кенг тарқалган касалликлар гуруҳига кириб, дунё ахолисининг 3% га яқини гепатит С касаллигига чалинган. Гепатит С касаллиги кўп ҳолларда симптомсиз кечиб, сурункали турга ўтиши, жигар сиррози ва карциномаси билан асоратланиши мумкин [1].

Бу касалликда, таҳминан 17- 25% ҳолларда "Гепатит С" касаллигининг ўтқир шакли билан касалланган беморларда спонтан соғайиш қузатилади, қолган беморларда касаллик ўз вақтида ташхисланмаслиги ва даволанмаслиги боис, жигар ҳужайраларнинг сурункали яллигланиши ривожланиб, оғир асоратларга олиб келади [2].

Бугунги кунда дунёда 2 миллиардан ортиқ одамда гепатобилиар патологиялар қайд этилган. Улардан 300-350 миллион беморлар вирусли гепатит В билан ва таҳминан 170 миллиони гепатит С билан оғриган.

Ўзбекистонда ҳам охирги 10 йилда сурункали гепатитлар ва жигар циррози, сурункали холециститлар сони кўпайган ва гепатобилиар тизим касалликлари нафас тизими ва юрак қон-томир тизими касалликларидан кейинги учинчи ўринни эгалламоқда.

Гепатит С гепатитнинг энг оғир шакли бўлиб, асосан қон қўйиш орқали юқади. Айрим ҳолларда жинсий алоқа орқали ва ҳомиладор аёлдан ҳомила-га ўтиши мумкин. Бу касаллик юқишидан намоён бўлгунга қадар 2 ҳафтадан 26 ҳафтагача ўтиши мумкин. Бу дегани касал юқтириб олган одам ўзи билмаган ҳолда бошқаларга юқтириб юриши хавфи бор. Айрим ҳолларда тана ҳарорати ошиши қузатилиши мумкин. Лекин жигар учун у жуда зарарли бўлиб, вақт ўтиб жигар шишига олиб келиши мумкин. Гепатит С нинг зарарли томони шундаки, у доимий симптомсиз касалликка айланиши мумкин. Бунда жигар йиллар мобайнида вирусадан таъсиrlаниб рак касаллигига учраши мумкин.

Бу касаллик ҳам клиник ва эпидемиологик жиҳатдан гепатит А ва В га ўхшаш кечади. Шунга қарамасдан, гепатит С устида олиб борилган илмий тадқитқотлар бу асосан қон воситасида, беморларнинг најаси, сийдиги ва бошқа турли чиқиндилари билан ифлосланган сув, озиқ- овқатлар ҳамда уй-рўзгор ашёлари воситасида юқиши исботланган,



Гепатит С күпроқ ўрта ёшдаги (19-29), ишга лаётатли одамларни зааралайды. Касаллик ёз ва куз ойларида күп тарқалади. Ўғил болаларни суннат (хатна) қылганда, қиз болалар, қулогини тешганда, баданнинг тури қисмларига игна ва туш бўёғи билан ҳар хил расмлар ва ёзувлар согланда, сартарошхонада соч тарошлаганда, соқол-мўйлов олдирганда, қош терганда, қўл ва оёқ тирноқларини пардозлаганда асбоблар яхши стерилланмаган бўлса, вирусли гепатит В ва С осонгина юқади. Демак, гепатит С ҳам күпроқ тери ва шиллиқ қаватларнинг бузилиши билан кечадиган барча жараёнларда юқади.

БЖССТ вирусли гепатит С касаллигининг ҳомиладор аёлларда кечишига ва улар орасида кескин кўпайиб бораётганига алоҳида эътибор қаратмоқда. ВГС ҳомилага вертикал йўл орқали узатилиши соғликни сақлаш тизимининг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда. Онадан болага ВГС инфекцияси нинг юқиши вертикал йўл яъни, ҳомиладорлик вақтида онадан ҳомилага, туғиши жараённида, тугруқ вақтида ва постнатал даврда юқиши мумкин. Агар ҳомиладор аёллар доимий равиша шифокор кузатуву

остида бўлишса, ҳомиладорлик гепатит С касаллигининг кечишига, касаллик эса она ва бола умумий аҳволига таъсир қилмайди. Касалликнинг сурункали шаклларида ҳомила ривожланишининг ортда қолиши ва чала туғилиш ҳоллари учрайди. Ҳомиладорлик даврида гепатит С вирусига нисбатан ишлаб чиқарилган антителолар ҳомилага йўлдош орқали ўтиши мумкин. Одатда антителолар қонда 12-15 (айрим ҳолларда 18) ой давомида айланиб юради.

Илмий тадқиқот мақсади: илмий тадқиқотдан асосий мақсад - ҳомиладор аёллар ўртасида кузатилаётган гепатит С хасталигини кечишини ўрганиш ва уларда замонавий ташхис қўйиш ва даволаш масалаларини ишлаб чиқишидан иборт.

Материал ва усуслар

Биз ўз олдимизга қўйиб олган вазифамизни бажариш учун Андижон вилояти 2 - тугруқ комплексига мурожаат қилиб келган, анамнезидан гепатит С билан хасталанган бемор аёллардан жами 45 нафари танлаб олинди.

Натижа ва таҳлил

Текширув мақсадларида олинган турхудаги ҳомиладор аёлларнинг 17% биринчи ҳомиладорлик, 83% такrorий ҳомиладорлик аниқланган. Уларнинг яшаш манзилгоҳлари текширилганда 66% туман аҳолиси, 34% шаҳар аҳолиси эканлиги аниқланди. Эпидемиологик анамнези таҳлил этилганда, 3,8% бошидан турили операцияларни ўтказганлиги, 22,5% турмуш ўртоғи ўз иши юзасидан хориж давлатларида бўлганлиги, 15,6% биринчи тугруқ кесар-кесиши операцияси орқали амалга оширилганлиги, 21% беморлар тишлигини даволатганлиги, 25,7% доимий равиша педикюр ва маникюр хизматидан фойдаланиши аниқланди. Беморларнинг 11,4% касаллик сабабларини аниқлаш имкони бўлмади.

Беморларда касалликнинг қўйидаги шакллари аниқланди: bemorларнинг 27,5% касалликнинг ўткир шакли, 72,5% касалликнинг сурункали шакли аниқланди. Касалликнинг ўткир шакли 11,7% ҳолда енгил, 68,3% ҳолда ўрта оғир, 20,4% ҳолда оғир шаклда ўтди.

Айрим беморларда касалликнинг атилик шакллари кузатилди: 9,8% bemorларда сариқсиз шаклда, 23,7% ҳолда касалликнинг билинар билинмас шакли аниқланди.

"Сурункали гепатит С" ташхиси бўйича bemorлар қўйидаги оғирлик даражалари бўйича тақсимланди: "Минимал фаоллик даражаси"-3 bemorда, "Паст фаоллик даражаси"-5, "Ўртача фаоллик даражаси"-3, "Юқори фаоллик даражаси"-2 bemorда аниқланди.

Кузатув давомида аёллардан 13,3% ҳомиланинг "Гепатит С" касаллиги билан зарарланиши кузатилган. 20% bemorларда ҳомиладорлик даврида уйкучанлик, ҳолсизлик, иш қобилиятининг пасайиши, кўнгил айниши, иштаханинг пасайиши, тана вазнининг камайиши, ўнг қовурга равоги остида дискомфорт ҳисси кузатилган. 23,7% bemorларда клиник белгилар кузатилмагани ҳолда қондаги ферментлар миқдорининг ўзгариши ва гестозлар аниқланган. 3,7% bemorларда касаллик теридаги тошмалар ва бўгим оғриклири белгилари кузатилиши билан намоён бўлган. 33,6% bemorларда қусиши, кўнгил айниши, ўнг қовурга равоги остида оғриқ, сийдик рангининг ўзгариши, тери қопламлари ва склеранинг саргайиши, жигар ва талоқ ўлчамларининг катталашиши аниқланган. Бироқ тугруқ ўз вақтида боштаниб, ҳомиланинг соғлом дунёга келиши қайд этилган. 17% bemorларда касаллик оғир кечганлиги боис, ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ҳомиланинг муддатидан олдин туғилиши (2 аёлда), ўлик ҳомила туғилиши (3 аёлда), ҳомиладорликнинг эрта даврларида бола ташлаш (2 аёлда) ҳолати юз берган.

Лаборатор текширувлардан bemorларга умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, умумий ахлат таҳлили, қон биохимияси, ПЗР (полимераз занжирли реакция) текшируви ўтказилган. Беморларнинг барчасида ХСВ антитела мусбат топилган. Қон биохимиясида билирубин миқдорининг 29,9 дан 320 м/лгача ошганлиги, тимол синамасининг ошганлиги (8,9 ммол/лгача), сулема синамасининг 2,2 дан 1,48 гача пасайланлиги аниқланади. Қонда умумий оқсил миқдори 4,5 г/лгача камайланлиги қайд этилган. Умумий қон таҳлилида bemorларнинг 100% да камқонлик аниқланилган. Шулардан ўрта даражали камқонлик (70-90 г/л) 67,7% bemorларда, оғир даражадаги камқонлик (70-55 г/л) камқонлик 33,3% bemorларда аниқланди.

Таҳлилларга кўра, айрим ҳомиладор аёлларда қон зардобида трансаминалар миқдори камайиши (32,8%), қондаги айланниб юрган вирус миқдори ҳам пасайиши аниқланган (24,6%). Бу ҳолат ҳомиладор аёллар иммун тизимининг ўзгариши ва қонда жинсий гормонлар эстерогенлар миқдорининг ортиши билан боғлик.

Биз текширган ҳомиладор аёлларда эса, айниқса ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида жуда оғир кечиши (3-16, 4%) bemorларда кузатилди. Ҳомиладор аёлларда касалликнинг енгил кечиши фақат 3,9% да, оғир кечиши эса 28,2% да кузатилди.

Хасталикнинг оғир кечиши ҳомиладорликнинг иккинчи ярми, бевосита тугруқдан кейинги давр, ҳамда аёлларнинг эмизикли даврларида кузатилди.

Текширган ҳомиладор аёларимизда сариқлик даврининг 4-6 кунларида bemor аёлнинг аҳволи оғирлашиб, ниҳоятда ҳолсизланиши, кўнгил айниб, тез-тез қусиши кузатилди. Беморнинг юрак уриши сусайиб, томир уриши тезлашди. Жигар юмшоқланиб, ҳажми кичрайиб кетди. Бемор оғиздан ҳам жигарнинг ҳиди

кескин сезилиб турди. Бемор аёлларда түргүрүк (чала туғыш ёки бола ташлаш) содир бўлганда ҳам 1-3 чи куніда касалликнинг кечиши кескин оғирлашди.

Хуноса

1. Ҳомиладор аёлларнинг 28% да ўтқир гепатит С, 72% да сурункали гепатит С касаллиги аниқланилган. 88,6% bemорларда парентерал аралашув анамнезида борлиги тасдиқланган. Вирусли гепатит С касаллигига ҳомиладор аёллар доимий равишда акушергинеколог, терапевт ва инфекционист кузатуви остида бўлишлари лозим. 23,7% bemорларда касалликнинг клиник белгилари кузатилмаган. Уларда түргүрүк жараённи ва түргүрүк усули касалликнинг кечишига қараб аниқланиши лозим. Гепатит С касаллигининг вируслари она сути орқали юқмаслигини эътиборга олган ҳолда кўкрак сути билан эмизишни тўхтатмагани маъқул.

2. Ҳомиладор лекин гепатит С хасталиига чалинган аёлларда ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, айрим ҳомиладор аёлларда қон зардобида трансаминазалар миқдори камайиши (32,8%), қондаги айлануб юрган вирус миқдори ҳам пасайиши аниқланган (24,6%). Бу ҳолат ҳомиладор аёллар иммун тизимињинг ўзгариши ва қонда жинсий гормонлар эстровергенлар миқдорининг ортиши билан боғлик.

3. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гепатит С вируси она сутида қон зардобига нисбатан кам миқдорда бўлади. Шу боис ҳам она сути билан болани эмизиш бола соғлигига хавф тугдириши тўғрисидаги

фактлар ўз тасдигини топгани йўқ. Бироқ она кўкрагидаги шилинишлар болага касаллик ўтиш хавфининг ортишига олиб келади.

4. Ҳомиладор аёлларда вирусли гепатит С кузатилганида ҳар ойда уларнинг биохимик текширув таҳлиллари ўтказилиб, ҳамроҳ касалликлар ва улардаги асоратлар қатъий назорат остида даволаниб бориши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида аёлларни түргүрүк билан боғлиқ муаммоларини, чақалоқнинг асоратли туғилиш хавфини ва она - бола ўлимини олдини олади

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лысенко И. К вопросу о патогенезе анемии при хроническом вирусном гепатите С /И. Лысенко. - /М.: LAP Lambert Academic Publishing, 2012. - 423 с.
2. Мигунов, А. И. Гепатит. Современный взгляд на лечение и профилактику: моногр. /А.И. Мигунов. - /М.: ИГ "Весь", 2017. - 128 с.
3. Мигунов, А. И. Гепатит. Современный взгляд на лечение и профилактику /А.И. Мигунов. - /М.: ИГ "Весь", 2014. - 128 с.
4. О. Тарасова Острый алкогольный гепатит тяжелого течения / Тарасова Ольга, Павел Огурцов und Наталья Мазурчик. - / М.: LAP Lambert Academic Publishing, 2012. - 116 с.
5. Павлова Т. Гепатит С. Лечение природными средствами /Т. Павлова. - /М.: Диля, 2012. - 824 с.
6. Подымова, С. Д. Хронический гепатит /С.Д. Подымова. - /М.: Медицина, 2016. - 280 с.
7. Пол Н.Л. Гепатит С для чайников /Пол Нина Л.. - /М.: Диалектика Вильямс, 2016. - 874 с.

Поступила 26.03. 2019